Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 14 март ЧОРШАНБА

№ 21 (12.449)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

## ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

### «ТАШАББУС – 2012» ҒОЛИБЛАРИ

**Маданият уйида "Ташаббус – 2012" кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди. Унда 30 дан зиёд қўли гул ҳунармандлар, уддабурон тадбиркор ва фермерлар иштирок этди.**

Якуний натижалдарга кўра, "Энг яхши тадбиркор" номига "Салада" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Назипа Ашерматова лойиқ деб топилди. "Энг яхши фермер" номи эса "Ўзбекистон" фермер хўжалиги раҳбари Маноб Турдибековга насиб этди. Ўз услуби ва йўналишига эга бўлган мусаввир Мурод Ўрмонов "Энг яхши ҳунарманд" деб топилди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

## ПИСКЕНТ ТУМАНИ

### ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

**Туман ҳокимлигининг мажлислар залида туман "Нуроний" жамғармасининг ўтган йил якунлари ва 2012 йил режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

Тадбирда ҳокимлик вакиллари, жамғарма ходимлари, кенгаш аъзолари, ҳомий ташкилотлар раҳбарлари қатнашди.

Сўзга чиққанлар жамғарма амалга ошираётган ишлар хусусида тўхталиб, галдаги вазифалар, эътибор қаратилиши лозим бўлган масалаларни чуқур таҳлил қилдилар.

Тадбир сўнгида жамғарманинг кенгаш ва раёсат аъзолари қайта сайландилар.

## БЕКОБОД ШАҲРИ

### ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами муносабати билан шаҳардаги 495 нафар йигит-қизларга спорт кийимлари топширилди.**

"Ёшлик" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўтган тантанали тадбирга ҳокимлик вакиллари, ҳомийлар, спортчиларнинг ота-оналари ва яқинлари ташриф буюрдилар.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси амалга оширган бу каби хайрли ишлар кўлами тобора кенгаяётганини таъкидладилар.

## ПАРКЕНТ ТУМАНИ

### МАЛИКАЛАР МАЙДОНИ

**4-умумтаълим мактабида ўрта ва юқори синф қизлари ўртасида стол тенниси бўйича "Камолот маликаси" спорт мусобақаси бўлиб ўтди.**

Унда қизлар машғулотлар жараёнида ўзлаштирган кўникма ва маҳоратларини намоён этишди. Қизғин ўтган беллашувларда 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси Хуршида Болабекова ва мезбон мактабдан Муҳайё Руҳиддинова малика номига муносиб кўрилди.

**Хабарларни Ирода МАҚСУД қизи тайёрлади.**

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# ФЕРМЕР УЗОҚНИ КЎЗЛАЯПТИ

***"Яхши ният – ярим давлат" деганларидек, зангиоталик фермер Қодир Одилов бу йил ўзи етиштираётган мева, узум ва сабзавот ҳосилларини қайта ишлайдиган цех қуришдек эзгу мақсадига эришса, "Акбар-Азим-барака" фермер хўжалигининг фаолияти янада кенгайиб, даромади кескин ошади.***

*Хўжаликнинг 37,6 гектар ери бор. 9,3 гектари токзор. "Баян Ширей" навли узум ҳосилини "Меҳнат" вино заводига шартнома асосида етказиб бераяпти. "Тоифи" нав хўраки узумнинг асосий қисми савдога чиқарилаяпти.*

*Консерва цехи қурилса, икки гектарли боғ меваларини қайта ишлаш имконияти туғилади. Бундан ташқари, қолган майдонларда етиштириладиган турли сабзавот ҳосиллари ҳам янги цехнинг узлуксиз тўла қувват билан ишлашига замин яратади.*

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

# САРАЛАНГАН ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ЙЎЛ ОЛДИ

**Айни кунларда жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш маросимлари бўлиб ўтмоқда.**

Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ўтган ана шундай тадбирда "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари вакиллари, ҳарбийлар, чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган тизимли ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги 2010-2012 йиллар давомида йиғин ва чақирув пунктларини реконструкция ва модернизация қилиш дастурига оид қарори асосида ўтган йили олтита объектда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди, – дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул офицери Ҳамробек Бобожонов. – Тиббий кўрик хоналарини замонавий талаблар асосида жиҳозлангани, бинолар иссиқлик ва электр энергияси билан узлуксиз таъминланаётгани чақирувни юқори савияда ўтказиш имконини бермоқда. Чақирув комиссиялари аъзолари таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоатчилик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари вакиллари киритилгани танлов ва синовларни ўтказишда ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилаётир.

– Ҳар бир ота-она фарзанди эл-юрт корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишини истайди, – дейди ўғлини армияга кузатаётган Ўрта чирчиқлик Фурқат Пардаев. – Бугун армия сафларига хизмат қилишга ошиқаётган ёшларни кўриб, бир пайтлар фарзандини қандай йўл билан бўлмасин ҳарбий хизматдан олиб қолиш учун югуриб-елган ота-оналар кўз ўнгимдан ўтди. Бугун қай бир соҳани олиб қарамайлик, ёшларимиз учун барча имкониятлар яратилган. Истиқлол шарофати билан муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитлари ҳам яхшиланди. Йиғин пунктида яратилган шароитлар, фарзандларимизни армияга кузатиш ва кутиб олиш маросимлари тантанали тарзда ўтказилаётгани қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда. Бу эса ёшларимизда Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари барча синов ва танловлардан муваффақиятли ўтиб, муддатли ҳарбий хизматга йўл олаётган ўғлонларга оқ йўл тиладилар.

**Л. СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

# МУНОСИБ НОМЗОД ТАНЛАНАДИ

**Шу йил 18 март куни бўшаб қолган округларда Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайловлар ўтказиш белгиланган. Шунга кўра жойларда сайловни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалалар ҳал этилиб, участкалар шай ҳолга келтирилди. Хусусан, Зангиота туманидаги Ўзгариш сайлов округидаги участкаларда шу кунга қадар барча тайёргарлик ишлари якунига етказилди.**

Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 5 та сайлов участкаси ташкил этилган. Уларнинг жойлашуви аҳоли тураржойларининг зичлигидан келиб чиқиб белгиланган.

– Ҳозирга қадар сайловчилар сони қайта аниқланиб, участкада сайловчилар, номзодлар ҳамда участка сайлов комиссияси ҳақидаги маълумотлар бурчаги ташкил этилди, – дейди 386-участка сайлов комиссияси раиси Авазхўжа Муҳиддинов. – Бу сафар ҳудудимизда 2986 сайловчи рўйхатга олинди. Улар Халқ депутатлари вилоят Кенгашига партиялардан кўрсатилган 4 номзоддан муносибини танлайдилар.

– Участка сайлов комиссияси ишини белгиланган тартибда йўлга қўйганмиз, – дейди 384-участка сайлов комиссияси раиси Холида Шодиева. – Жумладан, бу ерда навбатчилик ташкил этилган. Улар сайлов билан боғлиқ кунлик маълумотларни қайд этиб боришади. Вилоят ҳамда округ сайлов комиссиялари белгилаган вазифалар ўз вақтида бажарилмоқда.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ. "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**СУРАТДА:** 384-участка сайлов комиссияси раиси Холида Шодиева (ўртада) комиссия аъзолари билан.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

**Чирчиқ шаҳридаги Ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими Мустаҳкам оила йили муносабати билан "Оила – муқаддас даргоҳ" мавзуида ўқувчи қизлар иштирокида давра суҳбати ўтказди.**

## ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Тадбир сўнгида бадиий саҳна кўринишлари намойиш этилди. Шунингдек, коллеж спорт залида уч гуруҳ ўқувчи қизлар орасида воллейбол, шахмат-шашка, қувноқ стартлар мусобақалари ўтказилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

2012 йил учун ОБУНА давом этмоқда. «Тошкент ҳақиқати» газетаси индекси – 205.

НАВРЎЗ – 2012

# БАЙРАМ ОСОЙИШТА ЎТАДИ

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наврўз байрамида меҳр-оқибат, кекса ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олиш, мурувват, саховат кўрсатиш каби халқимизга хос эзгу фазилатлар янада ёрқин намоён бўлади. Уни тинч ва осойишта, юксак савияда нишонлаш ушбу қутлуғ айёмнинг таровати ва қадрини янада оширади.**

Айни пайтда, мамлакатимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам янгиланиш ва яшариш фасли – Наврўз байрамини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилаётир.

Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Раҳимжон АШИРМАТОВ Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

– Жорий йилнинг давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилиниши ҳуқуқ-тартибот идоралари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, оилаларнинг тинчлиги юрт осойишталигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Шунинг учун бу борада тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Пойтахт вилоятида ҳам байрамлар ўзгача тантана ва шукуҳ билан нишонланади. Бозорлар, савдо мажмуалари, ярмаркалар, спорт иншоотлари, истироҳат боғлари ва дам олиш масканлари одамлар билан янада гавжум бўлади.

Шу кунларда барча маҳалла ва қишлоқларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, уй-жойлар, ижтимоий муассасалар таъмирланмоқда, йўл ва хиёбонлар, қабристонлар тартибга келтирилаётир. Шаҳар ва туман марказларида майдон ва кўчалар баҳор, янгиланиш ва ёшариш байрами – Наврўз руҳи ва шукуҳини акс эттирувчи шиорлар, лавҳалар билан безатилмоқда.

Кенг жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар жамиятимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бераётир.

Шу кунларда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Ҳар бир туман, маҳаллада ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тадбирлар ташкил этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ТАДБИРКОРЛАР, ҲУНАРМАНД ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти совривни учун ўтказилаётган «Ташаббус – 2012» кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи 2012 йил 23 март куни соат 10.00 да Қумовулдаги Вилоят маънавият ва маърифат марказида бўлиб ўтади.**

**«ТАШАББУС»ГА МАРҲАМАТ!**

*Ташкилий қўмита.*

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 237-21-93; 237-16-24 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

**НАВРЎЗ – 2012**

# БАЙРАМ ОСОЙИШТА ЎТАДИ

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзуидаги учрашувлар шулар жумласидандир. Бундай профилактика ишлари кейинги йилларда мунтазамлик касб этаётгани туфайли одамларимиз онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир.

Вилоятда фаолият юритаётган 314 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг маҳаллий бошқарув органлари, жамоатчилик билан алоқалари мустаҳкамлиги, жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида аксарият маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли хил тўгараклар, спорт секциялари, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишига, ишлар самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Жорий йилда Наврўз тантаналари шаҳар ва туман марказлари, стадион ва истироҳат боғларида, маҳалла гузарларида юқори савияда ўтказилади. Мазкур масканларда хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш соҳа ходимларидан катта масъулият талаб этади. Байрам тантаналари ўтадиган барча ҳудуд ва муассасаларда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар олиб борилмоқда. Жойларда тезкор-профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Бу жараёнда ҳар бир маҳалла ва кўча, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда барча хавфсизлик чоралари кўрилмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида доимий рейдлар ўтказилмоқда. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Айни пайтда тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилмоқда. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган майдонлар ва истироҳат боғларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилмоқда.

Олиб борилаётган ишлар натижасида шу йилнинг ўтган даврида товар-моддий бойликларни, жумладан, гиёҳвандлик воситаларини олиб ўтиш билан боғлиқ жиноятлар кўрсаткичи кескин камайди. "Маҳалла посбонлари" тизимининг жорий этилиши аҳоли пунктларида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, профилактика ишларини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Байрам муносабати билан вилоятда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда чегара ҳудудларда тезкор-профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Маҳалла фуқаролар йиғинлари ва кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтаётган ушбу тадбирлар давомида паспорт тизими қоидалари, хориждан келиб-кетиш бўйича қонун ва белгиланган тартиблар бузилган ҳолатлар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилмоқда. Шунингдек, тадбирларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, юрт тинчлиги оиладан, маҳалладан бошланиши, Ўзбекистонимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлиги алоҳида таъкидланмоқда. Байрамни кўтаринки руҳда ўтказиш билан боғлиқ чоралар, огоҳлик ҳаётимизнинг зарур шарти экани аҳолига, айниқса, ёшларга атрофлича тушунтирилмоқда.

Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, яқинлашиб келаётган Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барчамиз бирдек масъулмиз. Зеро, огоҳ ва ҳушёр бўлган киши ўз уйи, маҳалласи, қишлоғи ва бутун Ватанини асраган бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ЎзА мухбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.**

**«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти гибрид пул жўнатмалари хизмат турини йўлга қўйди.**

## ЯНГИ ПОЧТА ХИЗМАТИ

Гибрид почта жўнатмалари – бу почта, электр алоқаси ҳамда телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини ўтказишдир. Ушбу электрон пул жўнатиш тармоғи тез, сифатли ва ишончли тарзда хизмат кўрсатишни кафолатлайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ маълумотига кўра, ҳозирги кунда бу тармоққа 945 та почта алоқа бўлинмаси уланган. Бу хизмат турининг кенг қамровда йўлга қўйилиши, шунингдек, почта пул жўнатмалари технологиясини яна такомиллаштирилиши натижасида пул жўнатмалари тез ва бекаму кўст ўз эгасига етказиб берилади.

Гибрид пул жўнатмалари усулини дастлаб вилоят марказлари, Тошкент почтампти ва Ангрен почта алоқа узелида амалиётга жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

**«Туркистон-пресс».**

**ТЕНГДОШЛАРГА ИБРАТ**

# ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

**Дўстлик қишлоғидаги «Галаботир» маҳалласида ибратли ёш оила бор. Унинг бошлиғи Илҳом Мирзаев Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Ўрта Чирчиқ туман кенгаши ўқув-техник спорт клубида ўқитувчи бўлиб ишлаб, бўлажак ҳайдовчиларга автомобиль тузилишини ўргатади. Бугунги кунда туманимиздаги автомобиль бошқараётган кўплаб ҳайдовчилар уни ўзларига устоз деб билишади.**



СУРАТДА: Илҳом Мирзаев турмуш ўртоғи Дилдора Мирзаева фарзандлари Аббосхон билан.

**Элбек ЖАМОЛОВ олган сурат.**

Турмуш ўртоғи Дилдора Мирзаева 29-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синфларга сабоқ беради. Эътиборли жиҳати шундаки, у ёшлигидан спорт билан мунтазам шуғулланади.

Дилдорахон 2011 йил июль ойида Термиз шаҳрида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтказилган VI Республика аёллар спорт фестивалида фаол қатнашиб, қисқа масофага югуриш бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва диплом билан тақдирланди.

– Спорт ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамолликка етаклайди, – дейди Дилдора Мирзаева. – Оиламизда жисмоний тарбия ва спорт муҳим ўрин тутади. Турмуш ўртоғим спортни севади. Фарзандларимиз Нодирабегим ва Аббосхонлар ҳам спорт шайдолари. Уларга ўзим мураббийлик қиламан. Айтганча, синглим Дилфуза Умаралиева енгил атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони. Унинг маслаҳат ва кўрсатмаларига ҳам амал қиламиз.

**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МАҲАЛЛАДА КЎКЛАМ ҲАШАРИ

**Кунлар илиб, ердан қор кетиши билан одамлар хонадонлару маҳаллаларни тозалаш, ободонлаштириш ҳаракатига тушиб қолишди. Бекобод шаҳридаги "Ўзбекистон" маҳалласи бу ишни аҳиллик билан бошлади. Каттаю кичик ҳашарга чиқди.**



– Маҳалламиз йилдан йилга обод бўлиб, кўркамлашиб бораяпти, – дейди маҳалла оқсоқоли Раҳматилла Олимов. – Ҳамиятли тадбиркор Қурбонали Шариповнинг саъй-ҳаракати билан маҳалла гузари барпо этилгани нур устига нур бўлди. Ҳозир гузаримизда минимаркет аҳолига савдо хизмати кўрсатаяпти. Маиший хизмат ва тикув цехларида эса маҳалламиз хотин-қизлари муқим ишга эга бўлишди.



**Юсуф ЖУМАЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:** маҳалла оқсоқоли Раҳматилла Олимов фаоллар билан ободонлаштириш ишларини маслаҳатлашмоқда; Истиқбол кўчасида маҳалла ҳашари.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

**ЛОНДОН – 2012**

## ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА ЙЎЛ

**Чирчиқ Олимпия захиралари коллежининг асосий вазифаси белгиланган спорт турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоаларига аъзо ва номзодлар тайёрлаб беришдан иборат. Таълим давлат стандарти талабларига мослаб ишлаб чиқилган режа ва дастурлар асосида олиб борилади.**

Коллежнинг кўплаб истеъдодли ўқувчилари юртимиз ва хорижда ўтказилаётган мусобақаларда муваффақиятли қатнашмоқдалар. Эшкак эшиш, дзюдо, оғир атлетика бўлими тарбияланувчилари Лондонда бўладиган олимпиада ўйинларига қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Дзюдо бўлими тарбияланувчиларидан Мирзоҳид Фармонов, Наврўз Жўрақобилов, Дилшод Чориев рейтинг натижаларини тўплашмоқда. Оғир атлетика бўлимидан Шерзод Юсупов, Улуғбек Алимов, эшкак эшиш бўлимидан Вадим Меньков ва Юлия Борзова "Лондон – 2012" олимпиада ўйинларига йўлланма олишга муваффақ бўлдилар.

Коллежда бир неча йиллардан бери фаолият юритаётган халқаро тоифадаги спорт устаси, кўп карра Осиё чемпиони, халқаро тоифадаги ҳакам Нағманжон Мирзараҳманов Лондон ёзги олимпиада ўйинларига ҳакам сифатида таклиф этилди.

**Зилола ТОЖИЕВА.**

**ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ**

# ФОЙДАЛИ АНЖУМАН

**Оҳангарон тумани фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркор аёллар ва Мустаҳкам оила йилида хусусий тадбиркорлик ишини бошлашга жазм қилган кишилар "Оҳангарондон" очиқ акциядорлик жамиятида ташкил этилган ўқув машғулотида иштирок этишди.**

"Тадбиркор аёл" уюшмаси туман бўлими бу корхонани шунчаки танлагани йўқ. Ўрим-йиғим мавсумида вилоятнинг бир қатор туманларида етиштирилган 19 минг 700 тонна буғдой шу корхонада қабул қилинади. Машғулот қатнашчилари ғаллани сақлаш, қайта ишлаш технологияси билан танишишди. Шунингдек, семинар иштирокчилари биолабораторияда мавсум учун фойдали ҳашаротларни тайёрлаш жараёнини кўздан кечиришди. Зараркунандалардан буғдойзорларни ҳимоялаш режалари фермерларда катта қизиқиш уйғотди.

**Жўрабек МУРОДОВ.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**



**КАДРЛАР ЎҚУВИ**

# МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА



**Маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбар кадрларини сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги малакаларини ошириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг устувор вазифаларини бажаришда шахсий жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган ўқувлар давом этаяпти.**

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги бошқарув кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлов ўқув марказида шаҳар ва туман ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, захирага олинган кадрлар ўқув-семинари бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев очди. У ўқув-семинарнинг мазмун-моҳиятини тушунтирди ва раҳбар жамиятда юз бераётган ҳар қандай воқеликка фаол муносабат билдириши шарт эканлиги, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб, глобаллашув жараёнлари тобора тезлашаётганини қайд этиб, бу жараёнларнинг моҳиятини раҳбар яхши билиши ва тушуниши, бунинг учун малакасини мунтазам ошириб бориши лозим эканини таъкидлади.

Ўқув иштирокчилари 2012 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ҳақидаги маърузани тинглашди. "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган ўзгартиришлар ҳамда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишлари: инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун устуворлигини таъминлаш" мавзусида ўтказилган амалий машғулотлар сўнгида айрим иштирокчиларнинг ўқувлардан олган таассуротлари билан қизиқдик.

– Ўқув-семинарда бозор муносабатларига ўтиш вақтида "Ўзбек модели"нинг иқтисодий асослангани, Германия, Япония, Хитой ва бошқа давлатларнинг иқтисодиётни ривожлантириш тамойиллари тўғрисида батафсил маълумот олдик, – деди бекободлик Примқул Эгамбердиев. – Шунингдек, бошқарув тизимида раҳбар кадрларнинг роли, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда бошқарув идораларининг ўрнига доир керакли манбалар билан танишдик. Менимча, бундай ўқувлар янада кенг доирада жорий қилинса фойдадан ҳоли бўлмас эди.

– Бундай машғулотда биринчи бор қатнашдим, – деди Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Пискент тумани бўлими бошлиғи Умид Мирқосимов. – Ўзим учун жуда кўп янгиликлар олдим. Шу билан бирга бошқарув ходимларининг роли ва вазифалари, конституциявий ҳуқуқларимиз ва иқтисодиётда, жамиятда, умуман, ҳар бир соҳадаги ўзгаришлар бўйича тегишли мутахассислардан сабоқ олдик. Мен бу билимларимни, албатта, ўзимизнинг туманда ҳам тарғибот қиламан.

Шунингдек, ўқувнинг учинчи йўналиши хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига захирага олинган раҳбар кадрлар ўртасида давом этаяпти. Ўқувнинг биринчи кунида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этиб, хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорлигини ошириш мавзуида маъруза қилди. Шундан сўнг "2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" номи берилиши муносабати билан фуқаролик жамияти қуришда оиланинг ўрни" мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

Дарҳақиқат, бундай ўқувларнинг йўлга қўйилиши давлат ва жамият аъзоларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, билимдон, ғайрат-шижоатли кадрлар захирасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

**Равшан ОМОНОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ ЧИРОЙИ

Оҳангарон туманидаги "Бахт" маҳалла гузарида "Аёл — оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони" шиори остида тадбир ўтказилди.

Унда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган аёлларга "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармасининг совғалари топширилди.

**Юлдуз ИСАЕВА.**

**2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ**

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

**Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга алоҳида ном беришдан мақсад – бутун халқимиз орзу-нияти ва интилишларини ифода этадиган, эртанги кунимизнинг равнақига хизмат қиладиган устувор йўналишни аниқ белгилаб олиш ва уни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларни сафарбар этишдан иборат.**

**Бахтли ҳаётга эришиш – одамзотнинг олий мақсади. Халқимиз учун муқаддас бўлмиш оила доимо ҳаётимизнинг таянчи ва суянчи, жамиятнинг ҳал қилувчи асосий бўғини бўлиб келганлигини инобатга олсак, 2012 йилнинг "Мустаҳкам оила йили" деб номланганлигида катта маъно бор. Зеро, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор бўлади.**

Мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатлари, умуман оила институтини ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг III бўлими XIV боби "Оила" деб номланганининг ўзиёқ юртимизда оила, никоҳ, фарзандлар тарбияси ва уларнинг ота-оналари олдидаги бурчига нечоғлик катта аҳамият берилаётганидан далолатдир. Қолаверса, айнан шу норма Конституциямизни бошқа давлатлар конституцияларидан ажратиб турувчи энг асосий белгиларидан ҳисобланади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, 2012 йилга "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилиши муносабати билан давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилиб қабул қилинадиган дастурда айни шундай эзгу тушунча, орзу-интилишлар ўз ифодасини топиши лозим. Аввало, мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгидан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамият эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилади.

Ёш оилаларга эътибор масаласига истиқлолнинг дастлабки даврларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Жумладан, янги никоҳдан ўтган йигит-қизларга амалий кўмак беришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Хусусан, 1991 йилда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ва 1998 йилда Оила кодексининг қабул қилингани фикримизни тасдиқлайди. Шунингдек, 1998 йилни "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ўша йили 2 февралда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика "Оила" илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу марказ бугунги кунда оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Мустаҳкам оила ва бахтли турмуш аввало оила қурадиган ёшларнинг ўзига, уларнинг ақл-заковати, маънавий фазилатларига, оила ва жамият олдидаги бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишига боғлиқ. Лекин, ҳаётга катта умид билан қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамият масъулдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бу соҳада ҳам мамлакатимизда қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш орқали уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй-рўзғорни йўлга қўйишда ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш, таълим, тиббиёт, ҳуқуқий ахборот ва маслаҳат, шунингдек, соғлиқни сақлашга оид хизматлар сифатини яхшилаш, ёшларда оила олдида масъулият ҳиссини, меҳнат қилиш ва халқимизнинг боқий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

"Мустаҳкам оила" ғоясининг ҳаётдаги амалий ифодасини кўришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бунинг исботини бугун ҳар қадамда кўриб турибмиз. Ҳақиқатан ҳам, бу ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла – халқ виждони" деган юксак таърифга ҳар томонлама муносиб бўлиб бормоқда.

Оила олдида турган вазифаларни босқичма-босқич ва мукаммал амалга ошириш – авваламбор, моддий, маънавий ва тарбиявий муаммоларни, оиланинг барча ташвишларини енгиллаштириш каби муҳим масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ. Бу соҳадаги ислоҳотлар тадрижий равишда амалга оширилмоқда. Жумладан, 1994 йил 23 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида", 1996 йил 4 мартда "Болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида", ўша йили 10 декабрда "Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида"ги Фармонлари, 1994 йил 24 августдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида", 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари фикримизнинг тасдиғидир.

Бугунги кунда юртимизда ёш оилаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу соҳадаги ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганини яна бир бор таъкидлаб, Мустаҳкам оила йилида бундай ислоҳотлар янги босқичга кўтарилади, деб айтишга барча асослар етарли.

Зеро, мамлакатимизда қатор йиллар – "Оила йили", "Соғлом авлод йили", "Оналар ва болалар йили", "Ёшлар йили", "Мустаҳкам оила йили" бевосита оила ва оилавий муносабатларга алоқадор эканлиги фикримизни яна бир бор тасдиқлайди. Буларнинг барчаси республикамиз миқёсида мазкур соҳада олиб борилаётган ижобий ишларни аниқ мақсад сари йўналтириш имконини беради.

**Лобар РАЖАБОВА,**
**Севарахон ҲАМРОЕВА,**
**Тошкент Давлат юридик институти 1-курс магистрантлари.**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! | Тел: 233-57-47 Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

# XXI аср ва ДУНЁ

## НАМОЙИШЧИЛАР ҲАРАКАТНИ БЎҒИБ ҚЎЙИШДИ

**Жамоат транспортида юриш шароитини яхшилашни талаб қилаётган юзлаб норозилик намойиши қатнашчилари Колумбия пойтахти Боготада ҳаракатни бўғиб қўйишди.**



Colombia Reports тарқатган хабарга кўра, норозилик билдираётганлар Trans Milenio тизимидаги тезюрар автобусларнинг тўққизта йўналишидан олтитасини тўсиб қўйишди. Бундан ташқари, улар чипталар кассасига ҳужум қилдилар ва бир нечта ёпиқ автобус бекатларини қўлга олдилар. Полиция намойишчиларни тарқатиб юбориш чоғида кўзни ёшлантирувчи газ ва сув пуркагичларни қўллади, ўнлаб фаолларни қўлга олди.

Норозилик билдираётганлар Trans Milenio автобусларида чипта нархи жуда ошириб юборилганини таъкидламоқдалар. Шунингдек, улар тезюрар автобусларнинг кўпинча йўловчилар билан тўлиб-тошиб кетишидан норозилар. Намойишчиларнинг кўпи талаба ва кам таъминланган аҳоли вакилларидан иборат.

Богота маъмурлари юз берган тўқнашувлар учун сўл сиёсатчиларни айбламоқдалар. BBC News маълумотларига қараганда, Trans Milenioга қарши акция оқибатларини бартараф этиш учун маъмурият захирадан бошқа русумда бир нечта автобус ажратди.

## ҚУРИЛИШДА ЁНҒИН ЧИҚДИ

**Истамбул яқинидаги Эсенюрт қурилиш майдонларидан бирида юз берган ёнғин камида 11 кишининг ҳаётига зомин бўлди.**

AFP агентлигининг Туркия оммавий ахборот воситалари хабарларига таяниб маълум қилишича, ҳалок бўлганлар 14 кишига етиши мумкин. Эсенюрт мэрининг TRT давлат телеканалига ҳикоя қилиб беришича, ёнғин савдо маркази ҳудудида содир бўлди. Амалдорнинг айтишича, олов бинонинг иситиш тизимини ишдан чиқарди ва ҳаво ҳарорати нолдан пастга тушиб кетди.

Ёнғинни ўчиришга муваффақ бўлишди. Воқеа жойида "тез ёрдам" ходимлари ишламоқда. Олов нимадан чиққанлиги ҳали номаълум. Бироқ, Туркия оммавий ахборот вакиллари ёнғин электрнинг қисқа туташувидан ҳосил бўлганини тахмин қилмоқда.




## МИГРОН АҲОЛИСИ КЎЧИРИЛАДИГАН БЎЛДИ

**Иордан дарёсининг Ғарбий қирғоғидаги яҳудийлар яшайдиган Мигрон манзилгоҳи аҳолиси кўчиш ҳақида ҳукумат билан битим имзолади.**



The Jerusalem Post газетасининг ёзишича, манзилгоҳ жанжалли жойдан икки километр нарига – Исроил давлат ерига кўчирилади. Мигронда яшовчи 50 та оиланинг ҳаммаси битимга имзо чекди. Энди Мигронни бузиб ташлаш тўғрисида илгари чиқарилган қарор бекор қилиниши ҳақида Исроил Олий судига авф тақдим этилади. Суд Мигрон фаластинликларга тегишли ердаги хусусий жойларда ноқонуний қурилган, деб ҳисоблади.

Имзоланган битимнинг шартларига мувофиқ яҳудийларга давлат ерларидан жой ажратиб берилади. Янги уйларни 2015 йилнинг 30 ноябрига қадар қуриб олишлари керак.

Ғарбий соҳил ҳамда Шарқий Иерусалимда яҳудийлар аҳоли пунктларини қуриш ҳал қилувчи аҳамиятга эга масала бўлиб, Фаластин маъмурияти Исроил билан тинч музокараларни давом эттириш учун ушбу масалани ҳал этишни талаб қилмоқда. Ушбу талабга мувофиқ бу ҳудудлар яҳудий аҳолидан бўшатиб олиниши ва мустақил Фаластин давлати таркибига кириши керак.

**Греция ҳукумати хусусий кредиторларидан кўпчилигининг қарз мажбуриятларини алмашлаш бўйича розилигини олди. AFP агентлигининг хабар қилишича, бу мамлакатга дефолтдан қутулиб қолиш имконини беради.**

## ГРЕЦИЯ ДЕФОЛТДАН ҚУТУЛИБ ҚОЛДИ

Reutersнинг маълум қилишича, сўнгги муддат тугашига яқин облигацияларнинг 75 фоизи алмашиш учун тақдим этилди. Тарихдаги энг йирик бундай битим туфайли Грециянинг давлат қарзи 100 миллиард доллардан кўпроққа қисқаради.

Ҳозир Грециянинг давлат қарзи ички ялпи маҳсулотга нисбатан 160 фоизга тенг. Иккинчи жаҳон урушидан буён жуда оғир иқтисодий таназзулни бошидан кечирмоқда. Греция иқтисодиёти беш йилдан бери пасайиб боряпти. 21 фоизга етган ишсизлик Еврозонадаги ўртача даражадан икки баравар юқори.

Ҳукумат иқтисодиётда жорий этаётган қаттиққўллик сиёсати аҳолининг кучли норозилигига сабаб бўлаётгани вазиятни янада мушкуллаштирмоқда. Жумладан, Афина бюджет харажатларини кескин камайтириш, давлат секторида 15 минг иш ўрнини қисқартириш, шунингдек, энг кам иш ҳақини ойига 600 еврога пасайтириш мажбуриятини олди.



## БИР ЯРИМ ОЙ ДАМ ОЛИШНИ ИСТАШМАДИ

**Швейцария фуқаролари ўтган якшанба кунги референдумда ҳар йилги пул тўланадиган меҳнат таътилини тўрт ҳафтадан олти ҳафтага узайтиришга қарши овоз бердилар, деб ёзади Associated Press.**



Аниқ рақамлар ҳали ҳисоблаб чиқарилгани йўқ. Аммо, маҳаллий телевидение овоз берганларнинг учдан иккиси таътилни узайтиришни рад этганини маълум қилди. Мамлакатнинг 26 та кантонидан бирортасида халқ янгиликни қўлламади. Таҳлилчиларнинг таъкидлашларига қараганда, швейцарияликлар таътилни узайтиришга қаршиларнинг далилларига қулоқ солишди. Улар бу янгилик иш берувчиларнинг харажатларини ошириб юбориши ва бу ҳол ўз навбатида иқтисодиётга катта босим бўлиб тушишини уқтирган эдилар.

Якшанба куни ҳам федерал, ҳам маҳаллий даражада бошқа референдумлар бўлиб ўтди. Жумладан, фуқаролар лотерея ва ёпиқ ўйинлардан тушадиган маблағлар спорт ва маданий, шунингдек, ижтимоий лойиҳа ёки атроф-муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилиши керак деган қарорга келдилар. Овоз берганларнинг 87 фоизи Конституцияга шундай ўзгартириш киритишни ёқлади.

Кўплаб халқаро ташкилотларнинг штаб-квартиралари жойлашган ва турли акциялар мунтазам ўтказиб туриладиган Женева шаҳри аҳолиси оммавий тадбирларни уюштириш тартиб-қоидаларига нисбатан қаттиққўлликни янада кучайтиришга қарор қилди. Энди келишилмаган акция ёки митинг ва намойиш пайтида тартибни бузганлик учун 100 минг франк (110 минг долларга яқин) жарима ундирилади.

Агентликнинг таъкидлашига қараганда, Швейцариянинг кўплаб қонунлари референдумлар натижасида юзага келган.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

ТОШКЕНТ ВОҲАСИ: АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

# УЛКАН ШАРАФ, ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Ер сайёраси ва унинг халқлари тарихини ўрганиш – улкан шараф. Замоннинг бутун сир-синоатлари ва тилсимларини очишга изн берилиши – юксак ишонч. Ушбу маълумот ва билимларни одамларга борича етказиш – буюк масъулият.

Балки, шунинг учундир археологнинг иши жуда оғир, машаққатли. Шу даражада қийин ва мураккабки, ушбу фан билан астойдил шуғулланувчи мутахассислар бошқа касб эгаларига нисбатан жуда оз бу дунёда. Аммо, кимки, бу сирли фан оламига дадил қадам қўйиб, илк тилсимотлардан воқиф бўлдими, унинг охиригача етмай қўймайди.

Бу ажойиб фаннинг буюк намоёндаларини бармоқ билан санаб чиқиш мумкин. Бироқ, уларнинг ҳар бири ўзича бир олам, бутун бир коинот. Биз баъзан дунё музейларида сақланаётган бебаҳо меросга нақадар оғир меҳнатлар эвазига эришилгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Шу боис қадимий меросларни нина билан қудуқ қазигандек излаб топувчи буюк тадқиқотчилар шаънига айтадиган ҳар бир дил сўзимиз ўтмишнинг қоронғи ва чалкаш сўқмоқларида бир ютим мусаффо ҳаво, ҳаётбахш қуёш нури таъсирини беради.

Ўзбек археологлари Тошкент воҳасини ўрганиш учун кўп куч сарфладилар. Оҳангарон водийси – қадимий мактаб ва ибодатхоналарнинг муқаддас куч-қудратини, катта-кичик шаҳарлар шовқин-суронини, улкан қабристон ва якка мозорлар сокинлигини – биздан кўп вақтлар илгари яшаб ўтган халқларнинг қадамжоларини ўз бағрига жо этган бепоён макон. Фаромушлик ва вақт бўшлиғи ўртасидаги чегарани айнан фидойи археологларнинг толмас қўллари туташтириб туради. Бунинг учун, яъни кашфиётчиликдек муқаддас бурчларини охиригача адо этиш учун улар шахсий ҳаётларини бахшида этадилар. Биз буни билишга ва мудом ёдда тутишга бурчлимиз.

...Қадимий Илоқ юрти кўксида юзлаб конлар нафас олмоқда. Булар – сайёрамизнинг улкан ҳаётбахш тизими. Булар – она заминимиз танасидаги қудратли маъдан қобирғалар. Ўз бағрида олтин, кумуш, феруза ва бошқа металл ҳамда маъданларни сақлаб, бир пайтлар Илоқнинг қудратини бутун дунёга танитган бундай конлар қанча! Келажак ҳам ушбу бойликлар ҳақидаги ҳикоялар айни ҳақиқат эканлигини ҳали кўп бор тасдиқлайди.

Улгурликон, Қизилолма, Тошжилган, Шовғоз, Кўктепа, Ғушали, Мискон, Оқтурпоқ, Нақпой, Қалмоққир, Балиқти, Қўрғошинкон, Оқтошкон, Сарта Буткан, Қайнар, Кўчбулоқ, Лашкарак, Навгарзон... Санашда давом этавериш мумкин. Унгурликон, Шовғоз, Лашкарак каби конлар тарихи билан боғланган сир-синоатлар кўп.

Унгурликон жуда бой қадимий конлардан бири. Бу ерда асосан феруза қазиб олинган. Археологлар уни Илоқнинг бир пайтлар Абу Райҳон Беруний ҳам ёзиб қолдирган феруза кони билан бир хилда деб ҳисоблайдилар. 1960-1970 йилларда бу ерда геология экспедицияси ишлади. 1963 йилда Чотқол-Қурама археология отряди тадқиқот олиб борди.

Ҳозирги кунда Навоий кон-металлургия институтининг Олмалиқ факультети базасида археологлар Ю. Буряков, К. Крохмал ва албатта, факультет декани, тарих фанлари доктори А. Ҳасанов, ўқитувчи, аспирант ва талабаларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан Илоқ, жумладан унинг пойтахти Тункет тарихига оид бой маълумотлар тўпланди.

Академик Ю. Буряков Олмалиқда ўлкашунослар семинарини ўтказиш ғоясини, Илоқ тарихининг янги, қайта тикланган музейини ташкил этишни ёқлади.

– Мен биламан ва ишонаманки, – деди у, – Олмалиқ факультети ҳали ўзининг муҳим топилмалари билан бизни лол қолдириб, хурсанд этади. Улар кўп нарсага қодир ва бунга эришишади. Бироқ, уларга маслакдошларнинг ёрдами, кўмаги зарур.

...Кексалар айтишадики, конларни руҳлар қўриқлашади. Уларни шунчаки, безовта қилиш – катта, баъзан тузатиб бўлмайдиган хатога йўл қўйиш демак. Ва яна оқсоқоллар дейишадики, фақат саховатли ва меҳр-муҳаббатли юракларгина қадимий бойликлар сари йўл топа олади. Руҳлар ҳам бу эски конларга келувчиларни бир-бирларидан фарқлай оладилар.

Бир кекса одам ҳақида шундай афсона сақланиб қолган. У Илоқнинг энг муқаддас жойлари ҳисобланувчи конларда – киши адашиб қолиши мумкин бўлган кенг ва чуқур унгурларда кутилмаганда пайдо бўлиб туради.

Ер ости шаҳарчаси конларидаги ҳамма офатларга қарши биргина иммунитет, яъни даво бор. Бу – сахий қалб. Айнан сахий қалбгина тарих яратади. Зеро, унда заминга, илк бор кўз очиб, самони кўрган, илк қадам қўйган жойга муҳаббат бор.

Ҳар қандай катта-кичик яратувчиликнинг мезони – муҳаббат ва сахийлик. Боқий ашъор ва мусиқа, меъморий асарлар шундан бунёдга келади. Муҳаббат ва яхши ният илоқлик изловчи ва ўлкашуносларга куч-қувват беради. Бундай инсонларга ҳамкор бўлмоғимиз, ёрдам бермоғимиз лозим. Бу билан қалбларимизни кенг очиб, саховатли ишлар қилиш учун ўзимизга йўл очган бўламиз.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**
**халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси.**

---

КЎРГАЗМА

# БАҲОР ЖОЗИБАЛАРИ

**Наврўз байрами арафасида Тошкент Фотосуратлар уйида хотин-қизларга бағишланган "Баҳор жозибалари" мавзуидаги фотокўргазма очилди.**

Кўргазмага Ўзбекистон рассомлар ижодий бирлашмаси фоторассомлар секцияси аъзолари, Тошкент Фотосуратлар уйи ҳузуридаги ижодий фотография мактаб-студияси битирувчилари, ёш фотосуратчи ва ҳаваскорларнинг 140 та ижодий ишлари қўйилган.

Экспонатларда баҳор фаслининг бетакрор жозибаси ва табиатимиз гўзаллигини ифода этувчи манзаралар, турмуш тарзимизда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаган турли миллат хотин-қизларининг гўзал чеҳралари ўз аксини топган. Беғубор болалик ва қизалоқларга бағишланган фотолавҳалар кишини мулоҳазага чорлайди, эзгуликка хизмат қилишга даъват этади. Абдуғани Жумаев, Нодир Норматов, Назира Боймуродова, Султонбой Деҳқонов, Владимир Шломберг, Алексей Попов ва бошқаларнинг ишларида турли ёшдаги хотин-қизлар, нуроний момолар портретларидаги ўзига хос гўзаллик, умуминсоний, миллий қадриятларимизни, турли феъл-атвор ва замонавийликни кўрамиз.

Манзара устаси Станислав Канаки Тошкент вилоятининг табиат манзаралари акс этган "Рангли тошлар. Ҳожикент", "Эрмурис гуллади", "Янтоқ гули" ва бошқа қатор фотосуратларини намойишга қўйган.

Кўргазмада кўплаб ёш муаллифлар ҳам ўз ишлари билан қатнашмоқда. Дилфируз Мансурованинг "Чорвоқ. Тонг", "Чимён. Туман" каби фотосуратлари кишига кўтаринки руҳ бағишлайди. Бир неча кўргазмалар қатнашчиси, собитқадам Жасур Жумаев беғубор болалик, романтикага бой ёш қизларни маҳорат билан тасвирга туширган.

Кўргазмага қўйилган кўплаб фотоасарларда табиатга, қайси ёшда бўлишдан қатъи назар, аёлларга нисбатан чуқур меҳр ва самимийликни кўрамиз.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

---

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

# ОРИЯТ ЙЎҚОТИЛСА...

Агар эски танишлари, қариндош-уруғлари ўша куни Садорат Қурбоналиеванинг жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судидаги нутқини эшитишганида, унинг воизлик санъатига тасанно айтишарди. Дарҳақиқат, унинг сўзларини тинглаб ўтириб, очиқ суд мажлисида ҳозир бўлганлар шундай покдомон, рисоладаги бир аёл аллақандай қўшмачилик ишлари билан шуғулланиб юришига ишонмай қолишди.

Садорат Шукуралиевнанинг арзи-ҳоли чиндан ҳам одамларнинг кўнглини юмшатиб юборди. Баъзиларнинг кўзларига, ҳатто, ёш келди.

Судланувчи сўзни ўз касалликларини санашдан бошлади. Шу боис дорихоналарга серқатновман, гоҳи кечалари ҳам бедорман, деди. Ўша оқ рангли "Жигули" ҳайдовчиси Улуғбек Хўжамқулов билан танишлиги ҳам мана шу дардмандлиги оқибати эканлигидан гап сотди. Айтишича, Садорат тушмагур ниҳоятда кўнгилчан экан. Шу кўнгилчанлиги сабаб "Улуғбекка ҳам уйидаги бир қиз билан дам олишга" рухсат берипти...

Ўз нутқида алоҳида таъкидлаганидек, Садорат Шукуралиевна шу йил январь ойи ўрталарида марказий деҳқон бозоридан қайтаётиб, оқ "Жигули"га ўтирди. Уйига етиб келгач, кира ҳақини тўладию "касалмандман, гоҳида машина керак бўлиб қолади" деб, ҳайдовчидан қўл телефони рақамини сўраб олди.

– "Агар керак бўлиб қолсангиз, телефон қиламан, айтган манзилимга олиб бориб келасиз, кира ҳақингизни бераман" деб айтди, – деди судда Улуғбек Хўжамқулов. – Ўзини Садоқат деб таништирди.

Шу-шу "Садоқат опа" уни бот-бот чақириб турадиган бўлиб қолди. Қаерга боришарди, нима қилишарди, буни судда айтишмади. Фақат "дорихоналарга бораргдик"дан нари ўтишмади.

Улар ички ишлар ходимлари ўтказаётган "Орият" тадбири жараёнида қўлга олингунларича, бундай "борди-келди"лар фаол давом этди. Ўша куни ҳам Улуғбек "Садоқат опа"сини "дорихона"га олиб бориб келди. Олдинги кунги қарзи билан қўшиб, Садорат Шукуралиевна унга 10 минг сўм кира ҳақи тўлаши керак эди.

– Ҳозир пулим йўқ, – деди у содиқ ҳайдовчисига. – Кечқурун келинг, тайёрлаб қўяман.

Улуғбек кечки соат 19.30 ларда пулни олгани келди.

– Бироз кутиб туринг, – деди "Садоқат опа"си уни ичкарига таклиф қилиб.

Улуғбек уйга кириб ўтирганида Ойдина исмли қизга кўзи тушиб қолди.

– Шу қиз билан дам олсам бўладими? – сўради у опахонидан.

"Опа" ҳам дарҳол рози бўлақолди, ўзига тегишли қўшни хонадон эшигининг калитини Ойдинага тутқазди.

Орадан хийла вақт ўтгач, ички ишлар бўлими ходимлари келиб қолишди. Ўша хонадонда "дам олаётган"ларни суриштириб кетишди. Ойдинанинг шахси билан қизиқишди.

– У бир ойча илгари менга паспортини ташлаб кетганди, – деди Садорат Шукуралиевна судда. – 25 январь куни паспортига келганди...

Қизиқ, етти ёт бегона Ойдина унга паспортини сақлаб туришга бериб кетганмиш... Шуни олгани келганида Улуғбекнинг "кўзи тушиб" қолганмиш, "улар дам олишлари" учун ўзига тегишли қўшни хонадон калитини берганмиш.

Табиийки, ички ишлар ходимлари воқеани охиригача аниқлашди. Тергов-суриштирув ишлари жараёнида Садорат Шукуралиевнанинг барча кирдикорлари аён бўлди. У 2010 йил август ойигача Бекободда истиқомат қилувчи Моҳира билан қўшни вилоятдан келиб, Бекободда яшаётган Ойдинани ёллаб, зўрлаб, қўрқитиб, ўз мижозларига сотиш билан шуғулланган.



Шу йил 8 январдан кейин у Моҳирани ўзи яшаётган 35-хонадонга олиб келиб, бир неча кун мижозларга қўшган, унга пул бермай, қадр-қимматини ва шаънини мунтасил камситган. Бу ҳақорат ва камситишларга чидай олмаган Моҳира ошпичоқ билан ўзини чавақлаган. Хайриятки, шифокорлар ҳаётини сақлаб қолишди. Жонига қасд қилиб, ўзига тан жароҳати етказган Моҳира айтган гаплардан судда ҳозир бўлганлар ёқа ушлашди.

– Мен "Садоқат опа" билан 2009 йил октябрь ойида танишиб қолдим, – деди у. – Мени алдов билан уйига олиб келди, юмушларига қарашиб юрдим. Ўғли Абдусалом билан бирга яшай бошладим. Кўп ўтмай "Садоқат опа" мени – келинини мажбурлаб бошқа эркакларга қўша бошлади. Баъзи кунлари 2-3 мижозга хизмат қилишга мажбурларди. Уларнинг ҳар биридан 10 минг сўмдан оларди. Бу ҳолат бир йилдан ортиқ давом этди...

Бу гаплардан кейин ортиқча изоҳларга ҳожат қолмайди, албатта. Суд Садорат Қурбоналиевани Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 103-моддаси 1-қисми, 131-моддаси 2-қисмининг "б" ва 135-моддаси 2-қисмининг "а" бандлари билан айбли деб топди ва белгиланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун ойлик иш ҳақидан 20 фоиз миқдорда давлат фойдасига ундириш шарти билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилди.

Ҳа, Садорат Шукуралиевнага воизлик санъати ёрдам бермади. Тўғри, мамлакатимизда жиноят ишлари учун жавобгарликка тортиш жараёнини енгиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли у хийла енгил жазо олди. Лекин жамоатчиликнинг унинг хатти-ҳаракатларини қоралашга қаратилган фикридан ҳам оғир жазо борми? Албатта, қўшмачилик қилиш, бу ишга ўз келинини ҳам мажбурлашдек шармандаликни ювиш осон эмас. Бунинг учун кучли ирода, чуқур инсоний идрок керак. Аммо ҳаромдан ҳазар қилмайдиган, текин пул топиш учун ҳеч қандай қабиҳликдан, ифлос ишлардан қайтмайдиган "Садоқат опа"да бундай инсоний фазилатлар нима қилсин?!

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

---

РАССОМ ХАНДАСИ




---

БЕКАЖОН

## ҚИЙМА СОМСА

**Масаллиқлар:** 250 г. маргарин, 250 г. сметана, 3 та тухум, 3-4 стакан ун, 1 чой қошиқ истеъмол содаси.

**Қийма учун:** 6-7 та пиёз, 0,5 кг қийма, 4 та картошка ва таъбга қараб туз ва зира.

**Тайёрланиши:** маргарин қирғичдан ўтказилиб, ун билан уқаланади. Алоҳида идишга сметана, тухум (тухумни сариғидан ажратишни унутманг!) солиниб, маргаринли унга қўшилади. Ундан ўртача қаттиқликдаги хамир қорилади. Хамир бир соат давомида тиндирилади. У тингунга қадар қиймани тайёрлаб олиш мумкин. Аввал пиёз ва картошка майда тўғралади. Кейин қиймалагичдан чиқарилган гўштга қўшилиб, таъбга қараб туз ва зира солинади. Тайёр бўлган хамир уч бўлакка бўлинади. Ҳар бир бўлак ўртача юпқаликда ёйилади. Кейин улар 5-6 см катталикда кесиб чиқилади. Ўртасига қийма солиниб, ўрама шаклига келтирилади. Сомсалар патнисга терилгандан кейин, тухум сариғи суртилиб, устидан седана сепилади. Сомсалар қиздирилган газ ўтхонасида 40-45 дақиқа ўртача оловда пиширилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Равшан ЁҚУБЖОНОВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 15507. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345